Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши
19 СЕНТЯБРЬ 1970 й
ШАНБА
№ 222 (1591).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXIV съездини муносиб кутиб оламиз!

ЯНГИ МАЖБУРИЯТ ОЛИНДИ

«Главташкентстрой»га қарашли 6-қурилиш трести коллективи партиянинг навбатдаги съездини меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олишга қарор қилди: йиллик план 25 декабргача бажарилади. Шунингдек, меҳнат унумдорлигини ошириш йўлида ҳам катта натижаларга эришилади. Жумладан, планда кўрсатилганига нисбатан иш унумдорлигини 1,2 процентга ошириш кўзда тутилмоқда. Қурилиш-монтаж ишлари таннархи эса олдинги планга нисбатан 0,6 процентга камаяди.

1971 йил биринчи квартал қурилиш-монтаж ишлари планини 1971 йилнинг 20 мартига қадар бажарамиз, деган шиор бугунги кунда ҳамманинг мақсадига айланди.

Трестда қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаш билан бирга объектларни «яхши» ва «аъло» топширишга ҳам кураш кучайган.

Рационализаторлик ва ихтирочилик анча яхшиланади. Бундан тушган таклифларни ишлаб чиқаришга жорий этиш туфайли ўттиз минг сўм фойда олинади. Шаҳримиздаги 6-қурилиш трестининг қурувчилари ва инженер-техник ходимлари ҳозир ўзлари янгидан белгилаган мана шу марраларни эгаллаш учун курашмоқдалар.

ШАҲАР САНОАТИНИНГ ОДИМЛАРИ

Шаҳар статистика бошқармасида Ўзбекистон пойтахтидаги саноат корхоналари, транспорт ва алоқа ташкилотларининг беш йилликка якун ясаладиган йилнинг ўтган саккиз ойи ичида амалга оширилган ишлари сарҳисоб қилиб чиқилди.

Мухбиримиз шаҳримиздаги баъзи завод ва фабрикаларнинг ана шу давр ичида қўлга киритган ютуқларини шарҳлаб беришни шаҳар статистика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Е. Горбашевадан илтимос қилди.

— Беш йилликка якун ясаладиган йил охирлашган сайин, — деди Екатерина Владимировна,— КПССнинг XXIV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа алангаси кенг қулоч ёзиб боряпти.

Ҳар бир корхона коллективи 1970 йил планини ва беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш юзасидан зиммага олган социалистик мажбуриятларини бажариш йўлида ғайрат кўрсатишяпти.

Маҳсулотларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш саккиз ойлик давлат топшириғи муддатидан илгари бажарилди. Тошкентнинг завод ва фабрикалари планга қўшимча равишда 29,7 миллион сўмлик буюмларни реализация қилдилар.

— МАҲСУЛОТЛАРНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚАНДАЙ БЎЛДИ?

— Умуман олганда, бу нарса қониқарли бўлди. Саккиз ойлик топшириқда кўзда тутилганидан 1587 та трактор, 27 та кўрак чувиш машинаси, беш миллион 233 минг гишт, 343 минг сўмлик мебель плитадан ташқари тайёрланди, олти миллион 723 минг киловатт соат электр энергияси ҳосил қилинди. 154 тонна пахта толаси, 856 тонна сут маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар планга қўшимча тайёрланди.

— ҚАЙСИ КОРХОНАЛАР ЎЗ ПЛАНЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ АДО ЭТДИ?

— Бу ўринда трактор йиғув, граммпластинкалар, чинни, экскаватор, «Гидрометприбор», 3-темир-бетон буюмлари, 2- ва 10-автомобиль ремонти заводларини, «Юлдуз», «Қизил тонг», «Ўртоқ», бадиий буюмлар, трикотаж, устки трикотаж, моделлар уйи, 1 ва 2-пойафзал, «Шарқ» ва 1-мебель фабрикалари ҳамда фирмаларини; 1 ва 2-ун комбинатлари, гурунч комбинати, 3 ва 4-қурилиш материаллари ҳамда бошқа комбинатларни мисол қилиб келтириш мумкин.

— ТОПШИРИҚЛАРИНИ БАЖАРА ОЛМАГАН ЗАВОД ВА ФАБРИКАЛАР ҲАМ БОРМИ?

— Таассуфки, шундай корхоналар бор. Булар асосан машинасозлик, енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат корхоналари, «Главташкентстрой»га қарашли корхоналардир. Улар давлатга 8,8 миллион сўмлик маҳсулотни кам бердилар.

Айниқса «Ўзбекхлопкомаш» заводининг хўжалик фаолияти кишида ташвиш уйғотади. Бу корхона ўз буюртмачиларига бир миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотни етказиб бераолмади. Керамзит заводи эса 119 минг сўмлик, консерва заводи 362 минг сўмлик, минерал сувлар заводи 224 минг сўмлик, тўқимачилик комбинати эса 1,7 миллион сўмлик маҳсулотни кам берди.

— Йилнинг учинчи квартали охирги ойи сентябрь ҳам ўтиб боряпти, — деди сўзининг охирида Е. Горбашева, — биз эса йилга якун ясайдиган янги квартал остонасида турибмиз.

Мен нима учун шу гапни айтяпман? Ҳамма гап шундаки, йилнинг охирги ойлари ҳаммадан ҳам қизғин бўлади. Ана шу пайтда йиллик планнинг 35,3 проценти ҳажмида маҳсулотларни тайёрлаш ва реализация қилишга тўғри келади. Шу жиҳатдан олиб қараганда Қўйбишев, Фрунзе ва Сергели районларидаги саноат корхоналарининг коллективлари ғайрат камарини маҳкам боғлашлари керак.

Ишлаб чиқариш суръатларини ошириш, коллектив аъзоларини ишга жалб этиш, тўқиз ойлик, йиллик, шунингдек беш йиллик халқ хўжалиги планларининг муваффақиятли бажарилиши учун ҳамма ички резервларни ишга солиш керак. Тошкент меҳнаткашларининг социалистик мусобақани янада қизитиб, партиямиз XXIV съездини меҳнатда муносиб армуғонлар билан кутиб олишларига шак-шубҳа йўқ.

ЯНГИ ПРИБОРЛАР

«Средазэнергоцветмет» техникума ишлаб чиқарши корхонаси мамлакатимиз халқ хўжалиги учун кенг диопозонда қўлланиладиган бир қанча янги изотоп приборлар яратди. Бундай изотоплардан «Нейтрон-3» прибори металлургия соҳасида металл намлиги ва сифатини текшириш учун ишлатилади. ПГП-1 прибори эса айниқса қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида катта фойда келтирмоқда. Бу прибор тупроқ тузилиши, унинг таркиби ва хусусиятларини белгилайди. ГГП-1 изотоп прибори эса геология ва қурилиш мақсадларида ишлатилади. У ер остидаги тупроқ тузилиши унинг мустаҳкамлигини кўрсатади.

СУРАТЛАРДА: (чапда) пешқадам приборчи слесарлардан Николай Коротков билан Нулатжон Аминов; приборлар йиғиш конвейерининг пешқадам монтажчиларидан Лидия Есепова билан Роза Антонова (юқорида).

М. Нуриддинов фотолари.

РЕСПУБЛИКА ЎРМОН ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

18 сентябрь куни Тошкентда, Ўрмон ходимлари куни арафасида Ўзбекистон Ўрмон ходимлари активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тоғ ён бағриларини, чўлбиёбонларни яшил либосга бурқаётган кишилар, олимлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, мелиораторлар актив йиғилишида қатнашиш учун бу ерга келдилар. Актив йиғилишида область партия комитетлари, қишлоқ хўжалик бўлимларининг мудирлари, область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. А. Габриельянц актив йиғилишини очди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўрмон хўжалиги Давлат комитетининг раиси О. Ҳ. Ҳанимов КПСС Марказий Комитети июль Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленуми якунлари тўғрисида ва республика ўрмон хўжалигини янада ривожлантириш вазифалари ҳақида доклад қилди.

Актив йиғилишида партия XXIV съезди шарафига юксак социалистик мажбурият олган Тошкент механизациялаштирилган Ўрмон хўжалигининг қимматли ташаббуси қўллаб-қувватланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов актив йиғилишида нутқ сўзлади.

Актив йиғилиши ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари Р. Қ. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. К. Зиёдуллаев қатнашдилар.

Ўзбекистон Ўрмон ходимлари активининг йиғилиши КПСС Марказий Комитети июль Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми қарорларини бажариша, партия XXIV съездини муносиб кутиб олишга қаратилган резолюция қабул қилди. (ЎзТАГ).

ЮБИЛЕЙ ТАРАДДУДИ

Бугун

И. Охунбобоев номидаги республика медицина билим юртининг мажлислар залида катта виставкани ташкил қилишга киришилди.

Виставкада республикадаги энг кекса ўрта медицина ходимларини тайёрловчи билим юртининг ярим асрлик фаолияти ҳикоя қилинади.

Шу кунларда фармацевтлик, тиш техниги, фельдшер-лаборантлик бўлимларида малакали педагоглар дарс ўтмоқдалар. Билим юрти эллик йил ичида йигирма мингдан ортиқ кадр етиштирди.

Билим юрти юбилейи шу йил ноябрь ойида бўлади. Ҳозир бошқа тайёргарлик ишлари ҳам қўрилаяпти. Студентларнинг билим юрти юбилейига пухта тайёргарлик кўрган ҳолда бориши учун группалараро мусобақалар ташкил қилинди. Дирекция энг яхши группаларни юбилей кунида муносиб тақдирлайди.

ШАҲАР ҚИШЛОҚҚА

БАРАКАЛИ ЁРДАМ

Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи аҳил коллективининг Бўстонлиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз аҳлига кўрсатаётган ёрдами баракали бўлмоқда. Корхона бинокорларидан бир группаси хўжаликда қишлоқ хўжалиги машиналари учун барпо этилаётган гараж қурилишида актив қатнашмоқдалар.

Яқинда корхона машинасозлари колхозга тўртта металлни қайта ишлаш станоги ажратишди. Бу станоклар билан хўжаликдаги ремонт-механика устахонаси жиҳозланади.

НУРЧИЛАР ҒАЙРАТИ

«Қозоғистон 30 йиллиги» колхози маркази гўзал Бўстонлиқнинг шаҳарни эслатувчи посёлкаларидан бири. Хўжалик посёлкаси кўчаларида оқшом чоғлари кезган кишининг баҳри-дили очилади.

Шаҳар электр тармоқлари идорасининг нурчилари колхозни ўз оталиқларига олганлар. Электр тармоқлари идорасининг нурчилари кейинги вақтларда бу ерда диққатга сазовор ишларни бажаришди. Улар хўжалик территориясидан ўтувчи уч километр узунликдаги нур йўлларини капитал ремонтдан чиқардилар. Шу жумладан, 200 метрдан ортиқ электр сими янгиси билан алмаштирилди, ўндан ортиқ таянч нуқталарда қайта тиклаш ишлари бажарилди. Нурчилар ҳимматидан колхозчилар хурсанд бўлишяпти.

ТЎРТ ОЙЛИК КУРС

Бугун

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҚОШИДА ОЛИЙ ФАКУЛЬТАТИВ КУРС ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ.

Курсда Урта Осиё ва Қозоғистон республикаларидан келган 75 йигит ва қиз ўқияпти. Тўрт ой мобайнида улар немис, француз ва инглиз тилларн бўйича ўз малакаларини оширадилар. Курсни битиргач, педагоглар олий мактабларда ишлашади.

Ўтган ўқув йилида олий факультатив курсни 80 киши битириб чиққан эди.

ШАҲАРЛИК «ЗАНГОРИ КЕМА» КАПИТАНЛАРИ

Ҳамза райони ишлаб чиқариш корхоналаридан тўпланган саксон нафар механик-ҳайдовчининг Сирдарё области пахтакорлари ҳузурига жўнаб кетганларига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

«Зангори кема» штурвалларига ўтирган ҳамшаҳарларимиз шу кунларда Пахтакор районидаги 25, 26, 27, 28, 29, 30 ва «Пахтакор» совхозлари далаларида суръатга-суръат қўшиб ишлашмоқдалар.

Уларнинг ҳар бири пахта терими кампанияси даврида энг камида 50 100 тонна, ҳатто, ундан ошириб «оқ олтин» териб беришга аҳд қилишган.

4.400 минг тонна пахта учун

КАТТА ҲАШАР

Узбекистоннинг бепоён далаларида қийғос бўлиб очилган «оқ олтин» дурдонаси ҳаммани теримга чорлаяпти. Етиштирилган бебаҳо ҳазинани ўз вақтида йиғиб-териб олиш учун ҳамшаҳарларимиз ҳам умумхалқ ҳашарига отланишмоқда.

Бугун

шаҳардаги бир қатор корхоналар ва муассасаларнинг коллективлари катта ҳашарга йўл олишди.

Ленин, Куйбишев, Чилонзор, Октябрь, Киров, Ҳамза районларининг меҳнаткашлари Тошкент областининг пахтакор районларига жўнаб кетишди. Бир кунлик ҳашарда ўн уч мингга яқин киши қатнашди. Уларнинг ғайрати ва шижоати билан юзлаб тонна пахталар хирмонга тўкилди.

СИНГИЛ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 17 сентябрда расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Сингапур республикасининг Бош министри Ли Куан Ю билан учрашди.

Совет — Сингапур масалалари ҳамда ҳар икки томонни қизиқтирган халқаро аҳвол проблемалари хусусида А. Н. Косигин билан Ли Куан Ю ўртасида суҳбат бўлиб ўтди.

✦ Москвада турган вакиллар палатаси депутати Кендзи Фукунага бошчилигидаги Япония парламенти делегацияси 18 сентябрда Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ҳузурига ташриф буюрди.

✦ 18 сентябрда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Чехословакия Социалистик Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси В. Коуцкийни СССРдан жўнаб кетаётганлиги муносабати билан қабул қилди ва у билан дўстона суҳбатлашди.



Тошкент сут комбинатининг маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати йил сайин ортмоқда. Корхона энг янги ишлаб чиқариш дастгоҳлари билан таъминланаётир.

СУРАТДА: комбинатнинг сутни қайта ишловчи механизациялашган участкаларидан бири.

ЖУВНОҚ ҚЎШИҚЛАР ЯНГРАЙДИ

Бугун

Свердлов номли концерт залида Ленинград шаҳрининг «Қувноқ ревю» эстрадаси гастроллари бошланади.

РСФСРда хизмат кўрсатган артист Павел Рудаков бадиий раҳбар бўлган бу коллективда санъат мухлисларининг эътиборини қозонган таниқли эстрада қўшиқчилари бор.

Ленинградлик санъаткорлар бир ҳафта давомида эстрада шинаванларини замонавий, ёқимли ва қувноқ қўшиқлар билан мамнун этишади.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ВДР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ХАНОЙ. Ханой матбуотининг хабар қилишича, 14 сентябрда Америка самолётлари Куангбинь вилоятидаги Летхюн районини бомбардимон қилиб, ўққа тутган.

Шу муносабат билан Вьетнам Демократик Республикаси ташқи ишлар министрлигининг вакили баёнот бериб, АҚШ дан ВДР суверенитети ва хавфсизлигига ҳамла қилувчи ҳамма ҳаракатларни дарҳол тўхтатишни талаб қилди.

Америка самолёти уриб туширилди

ХАНОЙ. Вьетнам зенитчилари Вьетнам Демократик Республикаси осмон чегарасига бостириб кирган Американинг учувчисиз самолётини Виньфу вилояти устида уриб туширдилар.

ВИА агентлигининг хабар беришича, Шимолий Вьетнам устида уриб туширилган АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари самолётининг сони 3.361 тага етган.

ЛИВИЯ ҲУКУМАТИ ҚАЙТА ТУЗИЛДИ

ТРИПОЛИ. Ливия Араб Республикаси революцион Кенгашининг фармонига биноан мамлакат ҳукумати қайта тузилди. Триполи радиосининг хабар қилишича, Ливия Араб Республикаси революцион Кенгашининг раиси полковник Муамар Каддафи бошчилигидаги янги кабинетда Бош министр ва мудофаа министри лавозимларини Каддафининг ўзи ижро этади. Бундан ташқари ҳукумат составида революцион Кенгашнинг 8 аъзоси ва 5 граждан шахс бор. Майор Абдул Салом Геллуд Бош министр ўринбосари ҳамда экономика ва саноат министри, майор Абдул Монайм ат-Тохир ал-Ҳуний Бош министр ўринбосари ҳамда ички ишлар ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш министри, майор Муҳаммад Нажим ташқи ишлар ва бешлик министри қилиб тайинландилар.



ТУНИС. Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган Политехника музейининг биноси.

В. Сухоруких фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

✻ МАРОҚЛИ ДАМ—ЗАФАРГА ҲАМДАМ

ҒАМХЎРЛИК

Мастер ёрдамчиси Д. Раҳмонов Тўқимачилик комбинати илғорлари сафидан ўрин олган. Илғор новатор топшириқларини муддатидан илгари бажарганлиги ва мажбуриятларини адо этганлиги учун корхона коллективининг ҳурматига сазовор бўлди. Комбинат касаба союз комитети унга қардош Болгария республикасига туристик сайёҳат қилиш учун бепул путёвка берди. Бундай мукофотга мастер ёрдамчиси А. Мўминов ҳам муяссар бўлди. Комбинатнинг яна бир ходими В. Гребнов эса Чехословакиянинг Карлова Вари курортига дам олиш учун жўнаб кетди.

Тўқимачиларнинг дам олиш кунлари завқли ўтмоқда.

Бугун

юздан ортиқ тўқимачи тушган машиналар комбинатнинг Бўстонликдаги дам олиш базасига йўл олди.

Уларнинг мароқли ором олишлари учун ҳамма шароитлар яратилган.

Булардан ташқари тўқимачилардан юзлаб киши Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидаги курорт ва санаторийларда, 300 дан ортиқ киши республика дам олиш уйларида, 5 мингга яқин киши шаҳар атрофидаги оромгоҳларда ҳордиқ чиқармоқдалар.

КОРХОНАЛАРДАН ХУШХАБАРЛАР

Мусобақа қизғин

КПСС XXIV съездини ёрқин юз билан кутиб олишга аҳд қилган 2-троллейбус депосининг коллективи социалистик мусобақани янада авж олдириб юборди.

Депо электротранспортчилари йиллик йўловчилар ташиш планини муддатидан илгари бажариш билан бирга, 1971 йил 1 квартал планини 25 мартгача адо этишга сўз бердилар.

Айни кунларда, депо коллективи йўловчиларга маданий хизмат кўрсатиш, троллейбусларни пухта ремонт қилиш учун курашмоқда.

Маршрутлар орасида социалистик мусобақа қизғин тус оляпти. Мусобақадош 2 ва 7, 6 ва 11,9 ва 13-троллейбус маршрутлари ҳар куни, плондан ташқари, 5—6 минг кишини ўз бекатларига етказиб қўймоқда. Айниқса, маршрут бошлиғи М. Ахаладзе, бригадир Г. Мильмейстер етакчилигидаги 13-троллейбус маршрути, маршрут бошлиғи Н. Қодиров, бригадир О. Ғуломов раҳбарлик қилаётган 9 - троллейбус маршрутлари мусобақада пешқадамлик қилиб, бир сменада қўшимча 7 минг йўловчига маданий хизмат қилмоқдалар. Б. Зокиров, Т. Юркова, К. Хонлар бошқарган маршрутларда фахрли қизил вимпелларни учратасиз. Бу уларнинг меҳнатига берилган юксак баҳодир.

Депо машъаллари

Қилинган ишлар хомчўт қилиб чиқилди. Бунда 1-трамвай депосининг коллективи орасидан энг яхши маршрут ҳайдовчилари муносиб тақдирланди, ва 2-маршрут ишчиларининг хизматлари таҳсинга сазоворлиги қайд қилиб ўтилди.

Икки нафар маршрут ҳайдовчилари йўловчилар ташиш вазифасини молия пули тошшириш планларини донмо муваффақиятли адо этмоқда. Вагон ҳайдовчилардан О. Копилова Н. Матвеева, В. Николаевларининг номи депо ҳурмат тахтасидан ўрин олди. 5-маршрутда аҳолига хизмат кўрсатаётган ҳайдовчилар 2-маршрутнинг Т. Мирзабеков, Б. Турков, С. Перов сингари ҳайдовчилари билан бирга социалистик мусобақада ғолиб чиқдилар.

Цехлараро ўтказилган мусобақада ҳаракат составидаги ремонт цехи коллективи биринчи ўринни эгаллади. Яқинда, бир группа транспорт ходимлари депонинг Фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Кун сайин унумли ишлаб, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга аҳд қилган депо коллективи янги уфқлар сари дадил қадам ташлаяпти.

Пешқадамлар

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг касаба союз комитети ўтган ой социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқди. Энг яхши кўрсаткичларга эришилганлиги учун 1-группадаги 1-ўринни вагон-ремонт заводининг коллективи олди. 2-ўринни 2-троллейбус депоси ишчилари эгаллади.

Ремонт-қурилиш бошқармасининг коллективи 2-группа бўйича 1-ўринни ҳамда кўчма Қизил байроқни қўлга киритди.

Касаба союз комитетининг йиғилишида ўтган ойда яхши ишлаган коллективлар 1-трамвай депоси, йўл хизмати, энергия хўжалиги ва материал-техника хизмати ҳодимларининг ҳалол меҳнати таъкидлаб ўтилди.

Меҳнатинг — зийнатинг

Сергей Ильич Закатимов умрининг қирқ йилини Тошкент электротранспортини юксалтиришга сарфлади. У шу давр ичида оддий ишчидан вагон-ремонти заводи директорининг ўринбосари даражасига кўтарилди.

Вагон-ремонти заводининг ишчилари, хизматчилари, инженер-техник ходимлари Сергей Ильични пенсияга кузатиш маросимига йиғилдилар. Кекса ишчининг шогирдлари, яқин кишилари С. Закатимовни қизғин табриклаб, область касаба союзлар комитети ва Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг Фахрий ёрлиқларини топширдилар.

1-трамвай депосининг моҳир ҳайдовчиси А. Степановични ҳам пенсияга узатиш ҳаяжонли бўлди. Депо коллективи А. Степановични пенсияга кузатиш олдидан унга қимматли совғалар топшириб, соҳат-саломатлик, узоқ умр тилади.



«Узбексельмаш» заводининг машинасозлари шу кунларда пахтакорлар учун зарур бўлган комплекс машиналар ишлаб чиқаришни кун сайин авж олдирмоқдалар.

СУРАТДА: заводнинг йиғув цехидан чиққан янги кўсак чувиш агрегатларини созлаш пайти.

М. Нуриддинов фотоси.

●ШАҲАР—ҚИШЛОҚҚА

МЕХАНИЗАТОРЛАР ОТРЯДИ

Киров райони корхоналари ва муассасаларидаги шоферлар ва пахта комбайнларини бошқара оладиган ходимлар Сирдарё область пахтакорларига яқиндан ёрдам бериш истагини билдирдилар. 60 дан ортиқ механизатордан иборат отряд Ильич райони хўжаликларига жўнаб кетди.

Куни-кеча у ердан олинган хушхабарда маълум қилинишича, азамат ҳамшаҳарларимиз ишга енг шимариб киришдилар. Механизаторлар орасида «Узсельхозтехника» республика идорасининг катта инженери О. Абдуназаров, пахтачилик механизацияси бўйича Давлат махсус конструкторлик бюросининг слесарь-тракторчиси А. Каримов, шофер И. Аннинков, трикотаж фирмасининг шофери Р. Қаххоров, «Компрессор» заводининг шофери А. Дюмин ва бошқалар бор.

Ҳамманинг эътиборида

Юқумли касалликларнинг олдини олишда, уларга қарши курашда совет олимлари ва соғлиқни сақлаш ходимлари анча бой тажриба тўплашган.

Баъзи одамларнинг тозаликка етарли эътибор бермасликлари натижасида, юқумли ичак касалликлари ҳали ҳам учраб туради. Ичак касалликларини чақирувчи микроблар асосан одам организмида бўлади. Бу микроблар йўл қўйилган эҳтиётсизлик, бепарволик оқибатида сувга, тупроққа, сут ва сут маҳсулотларига, мева ва сабзавотларга, уй анжомларига тушганда атрофдаги одамлар учун хавфли бўлиб қолади. Демак, юқумли ичак касалликларининг тарқалиши ёки йўқ бўлиб кетиши жамиятнинг ҳар бир аъзоси тозаликка қанчалик амал қилишига боғлиқ.

Тошкентимизда август ойида бошланган ободонлаштириш ойлиги ҳозир ҳам давом этяпти. Бу хайрли ишга пойтахтнинг Ленин районидаги механизаторлар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Маълумки, Ленин райони Тошкент шаҳри учун дарвоза ҳисобланади. Чунки пойтахтдаги темир йўл вокзали ва аэропорт шу район территориясида жойлашган. Бу ҳол Ленин район механизаторлари ҳамда шифокорлари зиммасига масъул вазифа юклайди.

Ободонлаштириш ойлигида бажариладиган ишларнинг унумли боришини таъминлаш учун район партия комитети ва район ижроия комитети ҳузурида махсус штаб тузилган. Штаб аъзолари барча ишларга раҳбарлик қилишмоқда.

Районимизда ҳар куни, айниқса, ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари ҳашарлар ўтказиляпти. Ҳашар ёрдамида завод, фабрикалар, корхоналар ва ҳар хил ташкилотлардаги ҳовлиларни, иш жойларини, ариқлар ва район территорияларига қарашли кўча ва майдонларнинг санитария ҳолати анча яхшиланди.

Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари район ижроия комитети турли ташкилотлардан жамоатчилик асосида 35—40 автомашинани районнинг турли кварталлари ва маҳалла комитетларига ёрдамга юборибтуриб дилар. Шу жумладан, В. И. Ленин номли электротехника заводи ишчилари, фармацевтика ва 2-авторемонт заводи, «Қизил тонг» фирмаси, «Учқун» тўқимачилик галантерея фирмаси ва бошқа корхоналарнинг механизаторлари сидқидилдан меҳнат қилдилар.

Умумий овқатланиш жойлари, озиқ-овқат магазинлари ҳамда шунга ўхшаш ташкилотлар халқ соғлиғини сақлашда муносиб ўрин эгаллайди. Буни эътиборга олган Ленин район ошхоналар трестига қарашли ошхоналар ва озиқ-овқат магазинлари кўп ишларни амалга оширдилар.

Шунингдек, Горький номли истироҳат боғида, 17-ЖЭКда, 14-кварталда, 3-маҳаллада ҳамда калоп фабрикасига қарашли ётоқхонада шанбаликлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Районимиздаги мактаблар ва мактабгача болалар муассасалари ходимлари орасида фидокорона ишлаган 93, 175-мактаблар, 5, 7, 195-боғча ва болалар комбинатлари ходимларини фахр билан эслатиб ўтамиз.

Ободонлаштириш ойлигида тузилган махсус комиссия аъзолари ўз текширишларида Тошкент электротехника заводига қарашли ётоқхонада, Тошкент политехникумининг устахоналарида, «Узсельстройга қарашли базада ва яна бир қатор объектларда кўпгина ишлар бажарилишини таъкидлаб ўтдилар. Санитария ҳолати қониқарсиз деб топилган баъзи объектлар беркитилди, айримларига жарима солинди.

Ҳаммага маълумки, касални даволашдан кўра унинг олдини олиш осон. Шу муносабат билан, районимиз шифокорлари санитария активлари ёрдамида уйма-уй юриб, бемор бор йўқлигидан хабардор бўлмоқдалар. Улар маҳалла, саноат корхонаси ва шифохоналарда лекция ва суҳбатлар ўтказишмоқда. Доим одам билан гавжум темир йўл вокзали, аэропорт залларида, кинотеатрлар, Горький ва 1-Май номли истироҳат боғларида, Госпиталь бозорида системали равишда радио лекциялар уюштирилмоқда. Кўп жойларда юқумли ичак касалликлари тўғрисидаги кинолента лар намойиш қилиняпти.

Озодалик, саранжом-саришталик ва ҳар бир кишининг ўз шахсий гигиенасига эътибор бериши саломатлик гарови дир. Буни ҳамшаҳарларимиз яхши ҳис этган ҳолда озодалик ва ободонлаштириш ойлигини яхши ўтказадилар, бунга доим амал қиладилар.

С. А. АКБАРОВ,
Ленин район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

МОНГОЛИЯ ҚЎРИҒИ ЎЗЛАШТИРИЛМОҚДА

УЛАН-БАТОР. Бундан ўн йил муқаддам монгол даштларидаги қўриқ ерларни ўзлаштиришга киришилган эди. Ўша вақтда бошқа хўжаликлар қатори Селенгин аймоғида монгол-совет дўстлиги номидаги давлат хўжалиги барпо этилганди. Коммунистлар ва ревсомоллар совет мутахассислари билан биргаликда бир неча ўн минг гектар ерни шудгор қилдилар. Бу йил ғаллакорлар шу ернинг шароити учун дуруст ҳосил етиштирдилар. Давлат хўжалигининг меҳнатчилари давлат омборига плондан ташқари минг тонна буғдой, арпа ва бошқа экинлар маҳсулоти топшириш тўғрисида ўзлари олган катта мажбуриятни муваффақиятли бажармоқдалар.

Чўлқуварлар дастлабки йилларда омонат чодирларда ва ўтовларда истиқомат қилишган эди. Эндиликда хўжалик марказида оқ силикат ғиштдан қурилган иморатлардан иборат кўркам замонавий поселка қад кўтариб турибди. Уни совет бинокорлари қуриб беришди. Бу ердаги уйларда ҳамма коммунал қулайликлар бор, мактаб болалар богчаси, маданият уйи ишлаб турибди. Давлат хўжалигида катта-катта ишлаб чиқариш объектлари — тўла механизациялаштирилган дон тозалаш станцияси, сутчилик фермаси механика устахонаси ва бошқа иншоотлар қурилган.

(ТАСС).

ДУНАЙДА ҚУРИЛАЁТГАН ГЭС

БУХАРЕСТ. Дунай дарёсидаги «Темир дарвоза» деган жойда Руминия билан Югославия биргаликда қураётган гидроэлектростанцияда румин бинокорлари ва монтажчилари навбатдаги меҳнат ғалабасига эришдилар. 178 минг киловатт қувватли иккинчи агрегатни ишлатиб, синаб кўриш бошланди.

Ҳозирча турбина «қуруқ» ишлаб турибди, унинг ҳамма узеллари узил-кесил созланиб бўлганидан кейингина сув босими остида синашга ўтилади.

Биринчи агрегат муддатидан олдин ишга туширилган эди. Иккинчи гидроагрегатнинг синовлари ҳам муддатидан олдин бошланди. Биринчи агрегат шу дамгача 30 миллион киловатт-соатдан кўпроқ электр энергия ишлаб чиқарди.

(ТАСС).

Хельсинкидаги металлистлар касаба союзи Уйининг мажлислар залида Ленинга бағишланган ёдгорлик тахтачасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Бундан эллик уч йил илгари, 1917 йил август ойининг кунларидан бирида бу ерда фин ишчиларининг В. И. Ленин билан учрашуви бўлиб ўтган эди.

ДЛП—ТАСС фотоси.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ АҲОЛИ РЎЙХАТИНИ ОЛИШГА ҲОЗИРЛАНМОҚДА

ПРАГА. Чехословакияда аҳоли рўйхатини олишга тайёргарлик қизиб кетди. Бу иш шу йилнинг декабрида ўтказилади. Бутун республика рўйхати олинадиган 47 минг округга бўлинди ва шу округлар тасдиқланди. Ўз округларида олинган маълумотларнинг аниқлиги учун масъул бўлган 50 мингдан кўпроқ киши тайинланди, бюллетенларни чоп қилиш ниҳоясига етай деб қолди.

Бу сафарги аҳоли рўйхатини олиш юбилей тариқасида ўтади, дейиш мумкин. Бу мамлакатда биринчи марта аҳолини илмий равишда тўла рўйхатга олиш 1870 йилда ўтказилган эди. Аҳоли рўйхати охирги марта эса, 1961 йилда ўтказилган.

Альенденинг ғалабаси тўғрисида Хорхе дель Прадонинг айтганлари

Ғарбий Германия демократлари ОВОЗИ

ЛИМА. Перу Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Хорхе дель Прадо ТАСС мухбири билан суҳбатда Чилидаги сайлов натижаларига тўхталиб айтдики, Сальвадор Альенденинг муваффақияти империализмга ва феодализмга қарши социал-иқтисодий ўзгаришлар ўтказишишни, чинакам миллий-мустақилликни қўлга киритишни талаб қилаётган Халқ блокининг программасини қўллаб-қувватлаётган бутун Чили халқининг ғалабаси бўлди.

Альенденинг ғалабаси АҚШнинг ҳукмрондигига ва ички реакцияга қарши бутун Лотин Америкаси мамлакатларида курашаётганлар учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Лотин Америкасидаги буржуа тузуми шароитида ўтказилган сайловда тарихда биринчи бўлиб марксчи номзод енгиб чиққанлиги, деди Хорхе дель Прадо, омма революцион онгининг сиёсий ва мафкуравий ривожланишида янги босқич бошланганлигидан далолат беради. Бу ғалаба социализм, миллий озодлик, тинчлик ва социал тараққиётга қарши олиб борилаётган курашда империалистлар ва уларнинг иттифоқчилари Америка қитъасида янги мағлубиятга учраганлигини кўрсатди.

(ТАСС)

ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР ИШ ТАШЛАДИ

ВАШИНГТОН. «Сазерн пасифик», «Чезапик энд Огайо рейлуэй» ва «Балтимор энд Огайо рейлроудз» корпорацияларига қарши чиққан темир йўлчиларнинг забастовкасини вақтинча тақиқлаб қўйиш тўғрисида округ федерал судьяси қарор қабул қилганлигига қарамай ишчиларнинг кўплари суднинг бу қарорини назар-эътиборга олмай, ишга чиқишмади.

Америка информация агентликларининг хабарларига қараганда, бошланган бу забастовка уч компанияга қарашли темир йўлларнинг анчагина қисмида ишнинг тўхтаб қолишига олиб келди. Вашингтон—Балтимор ўртасидаги темир йўлда поездлар қатнови тўхтаб қолди. Ишчилар «иш ташладик» деган плакатларни кўтариб, Сан-Францискодаги «Сазерн пасифик» компаниясининг қаторгохини ва шу компаниянинг Лос-Анжелесдаги, Санта-Барбарадаги, Сакраментодаги ва АҚШнинг бошқа шаҳарларидаги деполарини ўраб туришибди.

ПЕНТАГОН ЯПОНИЯДАГИ БАЗАЛАРДАН АЖРАЛГИСИ КЕЛМАЯПТИ

ВАШИНГТОН. АП агентлигининг мухбири АҚШдаги Япония элчиси билан қилинган суҳбатга асосланиб берган хабарида айтилишича, Япония миллий мудофаа бошқармасининг бошлиғи Я. Накасонэ АҚШ мудофаа министри М. Лейрд билан давлат секретари У. Рожерс ва президент Р. Никсоннинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи махсус ёрдамчиси Г. Киссинжер билан бу ерда олиб борилган музокаралар натижасида шундай битимга келинди.

Вашингтон билан Токио ўртасида тузилган шу битим «Фавқулодда ҳолатлар» рўй бериб қолган тақдирда Пентагоннинг илгари Японияга қайтариб берилган шу базаларга ўз қўшинларини юборишга имкон беради. Бундан ташқари, ҳар иккала томон ҳарбий базалардан америкаликлар билан японлар «биргаликда фойдаланишлари мумкин» деган битимга ҳам келишди. (ТАСС).

ИОРДАНИЯДАГИ АҲВОЛ

АММОН. Аммон радиосининг хабар беришича, Иордания короли Хусайин Бош министр Абдул Монайм ар-Рифои бошчилигидаги Иордания ҳукуматини тарқатиб юборди. Король бригада генерали Муҳаммад Довудни муваққат ҳукумат бошлиғи (айни вақтда ташқи ишлар министри) қилиб тайинлади. Маршал Хабес Мажали Иордания армиясининг бош қўмондони ва ҳарбий губернатор қилиб тайинланди.

Мамлакатда ҳарбий ҳолат жорий этилди.

Аммон радиосининг хабарида айтилишича, ҳарбий кишилардан иборат бу ҳукумат армия билан Фаластин партизанлари ўртасидаги тўқнашувларга чек қўйиши, мамлакатда тинчликни тиклаши лозим.

(ТАСС).

ВАШИНГТОНДАГИ КЕНГАШ

ВАШИНГТОН. Оқ Уйнинг матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари АҚШ президенти Р. Никсоннинг бир группа ҳарбий ва дипломатик маслаҳатчилари Иорданиядаги аҳволни муҳокама қилганликларини маълум этди.

Кенгашда штаб бошлиқлари комитетининг раиси Т. Мурер, мудофаа министрининг ўринбосари Д. Паккард, давлат секретарининг Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё ишлари бўйича ёрдамчиси Ж. Сиско, президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи махсус ёрдамчиси, Г. Киссинжер қатнашганлар.

(ТАСС).

Камбоджадаги жанглар

НЬЮ-ЙОРК. Камбоджа ватанпарвар кучларининг жангчилари Сайгон қўғирчоқ режимининг қўшинларига ҳамда Пномпень маъмурларининг бўлинмаларига янги зарба бердилар. Ватанпарварлар Пномпендан 60 километр шимолда яшин тезлигида ўтказган операция натижасида душманнинг катта бир группаси қуршовга тушиб қолди.

ЮПИ агентлиги мухбирининг Пномпендан хабар беришича, 4 мингдан ошиқ киши қуршаб олинган. Ватанпарварлар 6-стратегия тош йўлини тўсиб қўйиб, қамалдагиларни мадад куч ва ўқ-дори олиш имкониятидан маҳрум қилган. Қамалдаги шу группа катта вилоят маркази Компонгтхом районида ватанпарварлар билан олиб борилаётган жангларда оғир талафотлар бераётган қўшинларга ёрдам бермоқчи бўлган эди. Қамалдаги қисмлар Америка авиациясининг мадади билан қуршовдан чиқишга бехуда уриняпти. (ТАСС).

НИКСОННИНГ ЕВРОПАГА САФАРИ

ВАШИНГТОН. Оқ Уйнинг матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари Р. Зиглер айтдики, 27 сентябрда президент Р. Никсон Европанинг бир қанча мамлакатлари бўйлаб сафарга жўнайди.

Никсон Италия, Испания ва Англияга бориш ниятида.

Бу сафарда президентга давлат секретари Р. Рожерс, президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи махсус ёрдамчиси Г. Киссинжер, президентнинг кенгашчиси Д. Мойнихэн ҳамроҳлик қилади.

Польша Халқ Республикасининг пойтахти Варшава иккинчи жаҳон урушида деярлик батамом вайрон бўлган эди. Ҳозир шаҳар тўла тикланибгина қолмай, ўз чегараларини бир мунча кенгайтирди. Шаҳарнинг қатор районларида янги турар-жой кварталлари, мактаблар, магазинлар, саноат корхоналари қад кўтарди.

СУРАТДА: пойтахт марказидаги энг янги кварталлардан бири.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

УРУШГА ҚАРШИ ЯНГИ ТАШКИЛОТ

ВАШИНГТОН. Вашингтонда урушга қарши янги ташкилот тузилди. «Мастъулиятли конгресс учун курашувчи миллий коалиция» деб аталган бу ташкилот АҚШнинг қонун чиқарувчи олий органига ноябрда бўладиган сайловда номзодларига актив ёрдам кўрсатиш мақсадини кўзламоқда. Бу ташкилот мамлакат ичидаги диний, сиёсий касаба союз бирлашмаларида тинчлик тарафдори кучларини жипслаштиришни ўзига вазифа қилиб олди. Коалиция гарчи университет ташкилотлари негизида тузилган бўлса ҳам, аммо унга «Оқилона ядро сиёсати учун курош миллий комитети», «Черковлар миллий кенгаши» ва Америкадаги тинчлик тарафдорларининг ўнлаб турли гуруҳлари ҳам қўшилди.

Коалициянинг раҳбарлари, шу жумладан Йэль университетининг профессори Барбер ва собиқ юстиция министри Кларк Вашингтонда ўтказилган матбуот конференциясида гапириб, янги ташкилот конгрессга номзод қилиб кўрсатилган, ирқий адолатсизликка, қашшоқликка, Ҳинди-Хитойдаги урушга қарши курашувчи кишиларни қўллаб-қувватлайди, деди.

Бу янги коалиция шу мақсадда маблағлар тўплашни уюштириб ва «тинчлик номзодлари»нинг қарашларини тарғиб қилиш йўлида актив пропаганда олиб боради.

(ТАСС).

Шарқ оқшоми

ҒАЗАЛ ШАЙДОЛАРИГА

Иззату-ҳурмат керак

Одамийлик шундадурким, иззату-ҳурмат керак,
Бўлса ҳурмат ёшлардан, кексадан шафқат керак.
Кимни кўрсанг яхшилик қил, токи бўлсин бегараз,
Яхшилардан таълим олган одами улфат керак.
Ростгўйлик, ҳамда ҳаққоний кишига бўл яқин,
Ҳар на иш қилсанг аларга шошмагил фурсат керак.
Эҳтиёт бўл, ҳулқу-одобингни қўлдан бермагин,
Яхши бўлмоқ учун ёмондин олгани ибрат керак.
Ваҳшийликдур мисли йиртқич, беҳаё шармандалик;
Шарму аҳли ҳаёга пардан исмат керак.
Меҳнатдур аҳли касбимнинг фаровон неъматн,
Яхши турмуш ҳамда роҳат кўргали меҳнат керак.
То тириксан, соф виждонингни қўлдан бермагил,
Бу шараф бурчинг ўташга яхшилик одат керак.
Камтарин бўлган кишилар, шубҳасиз топгай камол,
Яхшилик йўлга қадам қўймоқ учун ҳиммат керак.
Меҳнатинг касби ҳалолингдир тиришлик зийнати,
Ҳарна ким касби ҳалол этмоқ учун ғайрат керак.
Ҳарна иш қилсанг ишингни тез қил, ҳам пухта қил,
Пухта иш қилмоқ учун, албатта иш суръат керак.
Тер тўкиб ишлаш тамомий аҳли меҳнат кўркидир,
Ғайратингга хўб ярашган лойиқи савлат керак.
Шеъриятда мадҳи Маҳмудий ҳамиша халқ учун,
Халқимиз шаънига лойиқ иззату-ҳурмат керак.

Муҳаммад МАҲМУДИЙ.

«Қандай ширин висол онлари!»

Донолар бисотидан

✦ Ёғочни теша билан йўнсанг, теша пайрахани фақат ўз томонига тўплайди, бир пайрахани ҳам ташқарига чиқармайди. Рандаласанг, ранда қириндилари ташқарига чиқариб юборади. Ўз томонига бирорта қиринди қолдирмайди. Арраласанг, арра ҳар икки томонга баравар қипиқ тўкади. Турмушда теша каби бахил бўлиб, фақат ўз манфаатингнигина ўйлама, бошқаларга ҳам ёрдам бер. Агар бор-йўғингни бошқаларга сарф қилиб, натижада, ўзинг муҳтожликда қолсанг, ранда ишини қилган бўласан. Энг яхшиси арра каби иш тут. Ўзингга ҳам бўлсин, бошқа кишиларга ҳам ёрдаминг, фойданг тегсин.

✦ Мулойим, беозор бўлсанг, ҳурматга сазовор бўласан. Тўғриликка интилсанг, мартабанг, қадр-қимматинг ошади. Ёлғончи бўлмай, берган сўзингнинг устидан чиқа олсанг, ҳар ким қошида ишонч қозонсанг, тарбиясиз, бузуқ одамларга ёндошмасанг, яхшилар сафига киришга сенга йўл очилади.

✦ Аччиқ сўзли, қўпол муомалали, баджаҳл кишиларни ҳеч ким севмайди. Ваъдасига вафо қилган, ширин сўзли, хушмуомалали ва беозор кишиларни ҳар ким ҳурмат қилади. Сен, албатта, шу иккинчи тоифа одамларнинг қаторида бўлишга ғайрат қил.

✦ Ҳар бир иш бир натижа билан тугайди: мулойимлик натижасида улуғ мартаба ҳосил бўлади, қаноат роҳат келтиради, тавозеъ ҳамманинг муҳаббатини ўзига тортади.

✦ Биров билан сўзлашганда эҳтиёт бўлиб гапир, тағин сенинг сўзинг натижасида дўстинг душман бўлиб қолмасин. Яхши сўзласанг, душманингни дўст қилиб олабиласан.

✦ Одамлар табиатан тўрт хил бўладилар: 1. Лаин (пасткаш, нобоп) одамлар, булар ўзлари ҳам емайдилар, бошқаларга ҳам едирмайдилар. 2. Бахил—ўзлари ейдилар, бошқаларга ҳеч нарса бермайдилар. 3. Сахий—ўзлари ҳам ейдилар, бошқа кишиларга ҳам едирадилар. 4. Карим—ўзлари емай, бошқаларга едирадилар. Шу тўрт тоифадан учинчи ёки тўртинчи тоифа қаторида бўл. Турмушда учинчи тоифа сафида бўлиш яхшироқдир.

✦ Ҳар бир сўзингни аввал ўйлаб, сўнгра айт, ҳар бир ишга ўйлаб кириш. Ўйламасдан айтилган сўзни ва бажарилган ишни қайтариб олиш ихтиёрингда эмас.

«Пахталар чаман-чаман,
Қувнаб-қувнаб тераман»

Т. КАРИМОВ фотоэтюди.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

✦ Пиширилмаган қийманн татиб кўриш ёки нон текизиб еиш зарарлидир, бунда гижжа ва бруцеллёз микроблари бўлади.

✦ Қийманинг тузи расо бўлиши учун бир килограмм гўштга бир ош қошиғида туз қўшилади.

✦ Туз, қалампир ва бошқа хил зираворларни таом пишиш олдидан солинса яхши татийди.

✦ Ёғни мис идишда сақламанг, сифати бузилади.

✦ Ёғни, айниқса сариёғ ва маскаёғни қоронғи жойда сақлаш лозим. Агар ёққа қуёш нури таъсир этса, унда ёғ кислотаси деб аталувчи кислота ҳосил бўлади. Бу кислота инсон организмига зарар қилиши мумкин.

✦ Бирор идишга ёғоч қипиғи солиб ошхона жавонига қўйсангиз, озиқ-овқат маҳсулотлари бузилмайди ва жавоннинг ичини ҳид босмайди. Қипиқни суткада бир марта янгилаб туриш керак.

✦ Агар қуюқ овқатлар (палов, шовла, қовурма) жуда шўр бўлиб кетса, бу таом пишиши олдидан доғланган ёғ қўшиб тузини ростлаш мумкин.

Бир тотим тузу, юз оғиз сўз

ТУЗНИНГ ТУРЛАРИ

Ош тузи ишлаб чиқариш услубининг характерига қараб ва олинадиган жойига қараб: «тош туз», «чўкма туз», «чўктирилган туз» ва «қайнатма туз» деган хилларга бўлинади.

Тош тузи — тоғ жинсларидан махсус шахталар орқали қазиб олинади.

Чўкма туз—шўр кўлларнинг остидан чиқарилади.

Денгиз сувининг бир литрида ўн беш грамм, океан сувида эса икки баравар кўп—ўттиз грамм туз бўлади.

Энг аъло нав чўкма туз Волга бўйларидаги Эльтон ва Басқунчоқ кўлларидан ва Каспийнинг Қора бўғоз Гол кўлтиғидан қордай қураб олинаверади.

Сифат жиҳатидан ош тузи тўрт нав билан сотувга чиқарилади: экстра, олий, биринчи ва иккинчи навлар. Навларга бўлишда йириклигидаги, рангининг оппоқ ёки хирароқлиги эътиборга олинади.

Экстра ва олий навлари қировдек оппоқ, майин, шакарсимон бўлади. Биринчи навлиси—хиёл кўкишроқ, йирикроқ тортилган бўлади. Иккинчи навлиси шағалсимон, ғўрашa ранги саргиш, таъми эса аччиқроқ ва ўткир ҳиди ҳам бор бўлади. Бу тузнинг таркибида темир моддаси кўплигидан иложи бўлса овқатга ишлатмаслик керак, ишлатилса ҳам иссиқ сувга солиб бир қайнатгач, сўнг чўктирилиб намокобидан фойдаланиш мумкин.

Карим МАҲМУДОВ.

ТЎТИЁ ҚИЛ

Азиз ёрим, менга меҳру вафо қил,
Вафо бирла ўзингга ошно қил.
Чаманнинг кўркн гул, жоним-жаҳоним,
Сенинг кўркинг ҳаё, доим ҳаё қил.
Муҳаббат осмонин юлдузисан,
Табассум айла, кўнглим пурзнё қил.
Ширинсанки, ҳаёт менга ширинлир,
Ширинликда ўзингни бебаҳо қил.
Сенинг бирла жаҳонда бахтиёрман,
Ҳамиша бахтиёрликни раво қил.
Муҳаббат номани битдим дилимга,
Ўқиб ҳар дам кўзингга тўтиё қил.

Усмон ЮСУПОВ.

КАРТОШКА

✦ Духовкада нон пиширилади ган тунука лист (патнис) ларнинг занги қумга ботириб олинган хом картошка билан ишқаланса, осон кетади.

✦ Майда тўғралган ёки эзиб сув қўшилган картошка солиб ювилган шиша бутилкалар тоза-тоза бўлади. (Керосин шишалари бундан мустасно). Шиша узоқ чайқатилгандан кейин тоза сувга чайилиши лозим.

«ОБ-ҲАВО ДЎКОНИ»

Новосибирскнинг Советская кўчасида «об-ҳаво дўкони» пайдо бўлди. Бу ерга келган киши атмосферада шу кезда нималар бўлаётганлиги тўғрисида маълумотлар олиши, шаҳар учун чиқарилган энг янги прогноз билан, Европа ва Осиённинг бугунги об-ҳавосини билдирувчи, Ғарбий Сибирда олтин куз қандай одимлаётганлигини билдирувчи синоптик карталар билан танишиши мумкин. Бу ердаги маълумотлар дўкон ёнгинасидаги бинода бўлган автомат асбобларнинг датчикларидан ҳамда гидрометеорология бошқармасидан шу заҳоти олиниб турадн.

Сиртдан «об-ҳаво дўкони» одатдаги газета дўконларидан қарийб фарқ қилмасада, сотувчи ўрнини стрелкалари липиллаб шамолнинг йўналишини, унинг тезлигини, атмосфера босимини, ҳавонинг намлигини, температурасини кўрсатувчи ифодали панеллар эгаллаган.

Ғарбий Сибирь гидрометеорология бошқармасида ТАСС мухбирига маълум қилишларича кўра, кўча информация хизматининг янгилиги бўлмиш бундай «об-ҳаво дўконлари» шу йил Барнаул, Кемерово, Горно, Алтайскда ҳам пайдо бўлади.

Д. ЗОАОТОВ.
(ТАСС мухбири).
Новосибирск.

АФРИКА ЮМОРИ

Камбағалнинг жавоби

Квартал оқсоқоли бир камбағалнинг уйига кириб, ундан уйдаги бор нарсаларини айтиб беришини талаб қилди. Оқсоқол ундан солиқ ундирмоқчи эди. Камбағал шундай деди:

— Йирик шохли қора молларим, қўй-қўзиларим, туя-эчкиларим, эшагим, йилқиларим бор, бунинг устига сичқон, кўр каламуш, арслон, фил, ҳачир ва маймунларим ҳам йўқ эмас.

Оқсоқол ҳайрон бўлиб турди-да, камбағалдан қайтариб сўради.

— Шундай,—деди камбағал, — айтганларимнинг ҳаммаси бор. Буларнинг ҳаммаси китобимнинг ичида. Тўхтаб туринг, ҳозир сизга кўрсатаман.

У китобни олиб келди-да айтган нарсаларини акс эттирувчи расмларни оқсоқолга кўрсатди.

— Мен буларни жуда арзон-гаровга сотиб олганман,—деди у.

Оқсоқол ҳеч нарса дея олмасдан чиқиб кетди.

Йўловчи ва қароқчилар

Силач исмли бир қароқчи ўз шериклари билан маҳаллий йўловчилардан бирининг киссасида пули кўп деган фикрда уни талади-лар. Йўловчи бор кучи билан ўзини улардан ҳимоя қилди. Қароқчилар қийинчиликлар билан унинг чўнтакларини бир амаллаб тинтишди. Улар бундай қарашса, олти пенсгина бор экан, холос.

— Омадимиз келди,—деди Силач ошналарига.—Борди-ю чўнтагида бир шиллинг пули бўлганида борми пулини ҳимоя қилиб бизларни ўлдириб қўйиши, ҳам мумкин эди.

Пенсдан қўрққан одам

Бир одам плашчининг ёқасига бир пенс пул осиб, уни эсидан чиқариб қўйган эди. Тунда у устига плашчини епиниб ётган эди. совуқ бир нарса унинг баданига тегиб кетди. Уни шунчалар қўрқув босдики, қичқиргандек хонанинг ичидан чиқиб кетди. Бир пасда одамлар йиғилди, у плашчимнинг орасига илон кириб қолган бўлиши мумкин деди.

Одамлар сўйиллар кўтаришиб, уйнинг ичига киришди. Улар плашчини, роса уришди. кейин илон бўлса шунча калтак билан аллақачонлар ўлган бўлиши мумкин, деб ерга қўйиб ёйишди. Плашчда пенсдан бўлак ҳеч нарса йўқлиги аниқланди. Кейин гап нимада эканлигини билган одамлар қула-қула уй-уйларига тарқалишди.

Т. Унабоев таржимаси.

Контролёр:— Билетингизни кўрсатинг...
Бюрократ:— Вақтим йўқ, эртага келинг.

А. АЛИМОВ чизган расм.

ҲИКОЯТЛАР

Аб-ул-аббос қассоб: —Қорни очлигидан тоқатсизланмагунча овқатланмасдим, шунинг учун, табибга йўлим тушмаганди,— деб айтарди.

* * *

Айтишларича, бир табиб бетоб бўлиб қолибди. Бир неча киши унн кўргани келибди ва узоқ ўтириб қолибди. Бемор табиб жуда зерикиб кетибди. Келган кишилардан бири ундан, бизга бир насиҳат қилинг, деб илтимос қилибди. Ҳаким унга дебди:

—Касални кўрганн борганингизда, зерикгандек даражада кўп ўтирманг. Менинг сизга энг яхши насиҳатим шу.

Тўпловчи
Ш. ЗУННУНОВ.

Ажаб мўъжиза

ТУТАНХАМОН ЎЛДИРИЛГАН ЭКАН

Яқинда Ливерпуль университети медицина факультетининг икки профессори —Р. Гаррисон ва Р. Конеллига мўмиёланган Миср фиръавни Тутанхамонни чуқур рентгенография текширишидан ўтказишга муяссар бўлдилар. Натижа ҳайрон қоларли даражада бўлди: фиръавн эрамизгача бўлган 1337 йилда ўлдирилган экан. Суратларнинг кўрсатишича, ёш ҳоким бошидан зарба еган. натижада мияга қон қуйилган. Тахмин қилинишича, қотил фиръавнинг укаси Сменхкара бўлган.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА

Пазанда маслаҳати

ПЎСТДУМБА ПАЛОВ

Пўстдумбани қайнатиб пиширнб оласиз ва бир неча бўлакларга бўлиб олиб қўясиз.

Пўстдумба паловни «қовурма палов»га ўхшатиб тайёрлайсиз. Гўштга тайёрлаб қўйилган пўстдумбани ҳам қўшиб қовурасиз.

Палов тайёр бўлгач, яхшилаб аралаштирасиз ва лаганга сузиб дастурхонга тортасиз. Пўстдумбани майда қилиб тўғраб, ошнинг бетига босиб қўясиз.

Палов тайёрлаш учун: 1 килограмм гуруч, 300 грамм гўшт, 200 грамм пўстдумба, 200 грамм ёғ, 500 грамм сабзи, 4—5 бош пиёз, 1 чой қошиғида зира, зирк, қизил қалампир, туз эса таъбга қараб солинади.

Билиб қўйган яхши

«ОРЗУ» ШАҲРИ

1968 йилнинг 23 февралида беш қитъанинг ўттиз мамлакатидан келган болалар Ауровиля шаҳрига биринчи гишт қўйдилар. Бу шаҳарнинг қурилиши Ҳиндистон ҳукуматининг маъқуллаши билан ЮНЕСКО томонидан амалга оширилмоқда.

Шаҳар Бенгал кўрфазидаги Пондишери штатининг шимолида француз меъморларининг лойиҳаси билан қурилмоқда. Унда ҳар хил миллатдан иборат 50.000 одам яшайди.

Ауровиля шаҳрининг бир қисмида тураржой кварталлари бўлса, бир қисмида аҳоли яшлайди. Маълум бир район маданий-оммавий тадбирлар учун мўлжалланган.

Халқаро квартал қурилиши ҳам планлаштирилган. Ҳамма юқорида айтилганлар «Ҳақиқат монументи» атрофида бир-бирига мувофиқ ҳолда қурилади. Шаҳар йигирма квадрат километрни ташкил қилиб, унинг қурилиши ўн беш-йигирма йил давом этади.

«Намасте»—«Салом»

Тошкентдаги 24-мактабнинг ёш ўқитувчиси, ҳинд шунос Жамолиддин Низомов ўзининг биринчи дарсини «Намасте» — «Салом» сўзи билан бошлади. Бу сўзни у бундан 14 йил илгари, худди шу синфда эшитган эди. Собиқ ўқувчи Тошкент Давлат университетининг шарқ факультетини битириб, ҳозир ўқитувчилик қилмоқда. Энди у бошқа болаларни ҳинд тилига ўргатади. Жамолиддиннинг бир неча ўртоқлари ихлосларини шу соҳага бағишлаб, ҳар ким ўзбек тилидан дарс беришаяпти.

24-мактаб Ҳиндистоннинг географияси, тарихи, адабиёти ва тили ўрганиладиган, республикамиздаги энг биринчи ихтисослаштирилган совет мактабларидан бири.

Мактаб залида ҳинд тилида чиқадиган «Митрата» — «Дўстлик» газетаси осиқлиғ турибди. География кабинетидаги Ҳиндистоннинг рельеф харитасини ҳам ўқитувчиларнинг ўзлари ясашган.

Тагор клубига мактабнинг 400 ўқувчиси аъзо бўлган. Клуб раиси 10-синф ўқувчиси Васила Юнусова. Клуб олиб бораётган ишлар жуда кўп ва хилма-хилдир. Улар дўст мамлакатдаги болалар билан хат ёзишиб туришади. Концертлар тайёрлашади, ҳинд драматургларининг пьесаларини қўйишади, ўзбек авторларининг асарларини ҳинд тилига таржима қилишни машқ этишади.

СУРАТДА: Р. Тагор клубининг аъзоси, 10-синф ўқувчиси Зуҳра Пўлатова ҳиндча рақс ижро этяпти.

Р. Шамсуддинов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЎСИМЛИКЛАР ОЛАМИДА

Дунёнинг энг йирик гули

Жаҳонга ўзининг йирик гули билан машҳур бўлган бу ўсимликни фанда Раффлезия Арнолди дейилади. У гулининг катталиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради. Битта гулнинг диаметри бир метргача етади. Раффлезия паразит ўсимлик ҳисобланади. Унда юксак ўсимликларга хос барг, поя ва илдиз бўлмайди. Шунингдек, унда хлорофил ҳам йўқ. Ўсимликнинг гули нақадар катта бўлишига қарамай, унинг танаси тубан ўсимликларнинг талломига ўхшайди.

Раффлезия замбруғ гифасига ўхшаш ипсимон хўжайралардан ташкил топган сўрғичларини хўжайин тўқимасига мустаҳкам ўрнаштириб олиб, ундаги шира ҳисобига узоқ йил яшайди. Раффлезия дарахтларнинг тана ва илдизларида, Индонезияда эса узумдошларга мансуб циссус деган ўсимликда паразитлик қилади. Раффлезия бошқа ўсимликларнинг пўстлоғи билан танаси ўртасида жойлашиб олиб, ташқарига фақат гулини чиқаради. Ғунча пўстлоқ орасидан ёриб чиқаётганда ёнғоқ катталигида бўлади, ташқарига чиққандан сўнг, тезлик билан ўса бошлайди ва гуллаш пайтига келиб, гулни ўраб турган ўрамани ташлаб очилади. Гул йирик бешта бўлакдан иборат, унинг ўртасидаги косача шаклидаги чуқурчада чанги ва уруғчалар жойлашган. Гулнинг марказий қисми хира қизғиш рангда, гул бўлаклари эса оч қизил рангда бўлади. Афсуски, гулнинг ҳиди ёқимли эмас, ундан қўланса ҳид келади. Бу дабдабали гул биринчи марта 1808 йили Суматра оролидаги тропик ўрмондан топилган.

Раффлезиянинг гули ҳам бошқа кўпчилик гуллар қатори ҳашаротлар воситасида чангланади. Раффлезияга мансуб аждод (киркозонгуллилар) вакиллари асосан тропик ва мўътадил иқлимли Шимолий Америка каби жойларда тарқалган. СССРда ҳам бу аждоднинг айрим вакиллари ўсади.

Ў. ПРАТОВ,
биология фанлари кандидати.

СЕТКАДАГИ ҲАЙВОНОТ БОҒИ

Боғчадан келган Анваржон ойисидан сўради:

— Сетка қани, ойи?

— Сеткани нима қиласан?

— Мен сизга-чи, ҳайвонот боғини кўрсатаман.

Анваржон бурчакда ётган қўғирчоқ майнунни сеткага солди-да, каравотига илиб қўйди.

А. РАСУЛЕВ.

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ

МЕҲНАТ ТАРОНАСИ

АДАБИЙ ЎЙЛАР

(Охири. Бошн газетанинг ўтган сонида).

Зотан бошқача йўл билан бадиий кашфиёт яратиб бўладими?! Негаки, инсоннинг ҳаёт билан алоқалари хилма-хил, рангба-ранг ва мураккаб эканки, унинг меҳнатга муносабатида кўринади, буни эса киши руҳининг инженерлари ҳисобга олмаса фақат зарар кўради, холос. Бироқ ҳамма гап қаҳрамонларнинг ҳаётга, меҳнатга муносабатини қай даражада қандай қилиб ифодаланишидадир. Ахир, деярли барча қаламкашлар ўз асарларидаги воқеалар қаҳрамонларнинг моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш жараёнига боғланганини қайд этадилар, таъкидлайдилар-у, лекин қайдлар таъкидларнинг жонли, ҳаётий манзараларда, ҳаққоний образларда гавдалантирилишига уларнинг ҳаммаси мувоффақ бўлавермайдилар-ку! Ҳолбуки, бадиийликдан, образлиликдан ташқаридаги ҳар қандай қимматли, мазмундор фикрлар, воқеалар ўқувчи қалби, ўқувчи ақлига таъсир кўрсатмайди.

Шуни алоҳида қайд қилмоқ даркорки, ғоявийлик билан бадиийликнинг ғоятда табиий ҳолда жипслашуви, омухталашуви натижасида туғилган ҳар бир асар маълум даражада меҳнат маъзусини ёритишга қаратилади. Шунинг учун кимки қўлга қалам олса, қонуний тарзда инсоннинг ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолиятига бевосита ёки бевосита нигоҳ ташлаб ўтади, баъзан эса асосий диққатини бағишлайди. Чунончи, Аскад Мухторнинг «Чинор», Мирмуҳсиннинг «Умид», Санд Аҳмаднинг «Уфқ» (иккинчи китоб) романларини, Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак», Шароф Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» асарларини эслайсизми? Бу асарларда қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари ,ўйлари, ҳис-туйғулари уларнинг ишлари, амалий фаолиятига боғлиқ ҳолда берилишига алоҳида диққат қилинганини кўрасиз.

Албатта, бу асарларнинг барчаси бир хил савияда ёзилган эмас. Уларнинг фазилатлари, айрим нуқсонлари ҳақида матбуотда анча мулоҳазалар баён этилганини назарда тутиб Пиримқул Қодировнинг «Қора кўзлар» ва Одил Ёқубовнинг «Қанот жуфт бўлади» номли асарларига батафсилроқ тўхталиб ўтмоқчимиз.

Улардан бири чорвадорлар ҳаётидаги, иккинчиси меъморлар фаолиятидан ҳикоя қилади. лекин уларда ифодаланган фикр ҳаётий материалга нисбатан анча кенг, чуқур ва бойдир.

Аммо асосий гап асарда ҳаракат қилувчи шахснинг маънян касб-ҳунарга тегишли эканини кўрсатишдагина эмас. Тўғрироғи, иш жараёни тасвирланадими, унинг меҳнатга муносабати қаламга олинадими, энг муҳими яхши яшаш учун, турмушни ҳақиқат асосида ўзгартириш учун сув билан ҳаводек зарур фикр айтишда ва шу фикрнинг бадиий «қаймоғи»ни беришда.

«Қанот жуфт бўлади» билан «Қора кўзлар»да масаланинг бу томони янада ёркинлашган, ойдинлашган. Ахир, уларни ўқиб, шунчаки чорвадор ёки меъморнинггина эмас, балки инсон деган номга доғ туширмайман, деган ҳар бир шахснинг теварак, атрофда бўлаётган ҳодисаларга бефарқ қарамаслиги, ҳаётнинг янада гўзалроқ, мазмунлироқ маъно касб этиши учун курашиши лозимлигини ўқиб оласиз-ку!

Ҳар иккала асарда халқимизнинг эъзозлаб «Қора кўзлар» деб ардоқлайдиган ўғил-қизлари, мардонавор фарзандларининг ишлаб чиқаришда, маънавий фаолиятида бошидан кечирган зафарли, қувончли онлари, ғамли-аламли дамлари, қийинчиликлари кучли эҳтирос билан, юрак дарди билан ифодаланган.

Аммо айрим ўзбек қаламкашларининг асарларида эса баъзан манглай терининг «қиди» сезилмай қолади. У қаҳрамон пахтакор, буниси нефтчи, анавуниси олим дейилиб, уларнинг фаолияти умумий тарзда қуруқ тавсифланиб берилади.

Меҳнат мавзуини ўзлаштиришда юз бераётган нуқсонлар тўғрисида сўз кетар экан, улардан иккисини алоҳида таъкидлаб кўрсатишга ҳаракат қилмоқчимиз: бадиий асарларнинг бир гуруҳида меҳнат моҳияти, унинг алоҳатлари, ўзига хос хусусиятлари, касб-ҳунардаги акси юзаки ёритилаётган бўлса, иккинчи гуруҳида эса инсоннинг меҳнатга муносабати, манглай теридан бунёд этилган натижалар, меҳнат маҳсулоти ўта соддалаштириб, жуда жўнлаштирилиб юборилмоқда.

Борди-ю, «Қора кўзлар» ва «Қанот жуфт бўлади»га ўхшаш асарларда баъзан меҳнатнинг қийинчилиги бироз қамайтириброқ кўрсатилса, ўзбек қаламкашларининг айрим асарларида эса қаҳрамонларнинг иш фаолиятини ифодалашдаги бу нуқсон жиддий тус олади. Чунончи , Ўлмас Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин» романи шундай таассурот қолдиради.

«Одам бўлиш қийин»ни лоқайд ўқиб бўлмайди. Ахир, унда виждонга, софликка хилоф ҳаракат қилиш фожиага олиб келиши анча ишонарли баён этиб берилгандан кейин бошқача вазият пайдо бўлармиди?! Бироқ айни замонда одамнинг меҳнати катта куч-қувват, интилиш-изланишлар, эзилиш-қийналишлар талаб қилмайди, дегандай фикр туғилиб қолади. Хусусан асосий қаҳрамонлардан Гулчеҳранинг ҳеч қандай заҳмат чекмасдан донғи кетган меъморга, архитекторга айланиб қолиши, ҳатто у чизган лойиҳанинг конкурсда мукофотга сазовор бўлиши сунъий чиққан. Ҳар ҳолда қишлоқи содда қизнинг шунчалик мураккаб ишни яхши тезлигида ўзлаштириб олиши, мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришиши етарли даражада асосланмаган.

Кўриняптики, ўзбек адабиётида айтарлик даражада ҳавф туғдираётган бир нуқсон иккинчисига жуда яқин, аниқроғи, бири иккинчисининг оқибати, бири иккинчисини келтириб чиқаради.

Буни қандай тушунмоқ даркор?

Маълумки, жамиятдаги ҳар бир шахс муайян касб ёки ҳунарга, муайян вазифа ёхуд лавозимга «пайванд» этилган.

Бинобарин, меҳнат одамларни бир бирларига яқинлаштиради, ягона оилага уюштиради, аммо айни чоқда у ишлаб чиқаришнинг турли хил тармоқларида шундай шаклга, шундай мазмунга эга бўладики, буни ҳамма ҳам англаб олавермайди. Бошқача айтганда ,биров ер чопади, биров дастгоҳда мураккаб машиналарнинг қисмларигажон» қиритади, бошқа бири бадиий ижод билан машғул бўлади, бироқ деҳқон меҳнатининг ўзига хос такрорланмас хусусиятларини яхлитлиги, мураккаблиги билан завод ишчиси англаб оладими? Ўз навбатида завод ишчисининг меҳнатига деҳқоннинг «тиши» ўтадими?

Албатта, ишчи деҳқон бўлиши, аксинча, деҳқоннинг заводда ишлаши мумкин, лекин бу учун махсус тайёргарлик талаб қилинади. Гап бу ҳақда кетаётгани йўқ. Гап шундаки, ақлий ва жисмоний меҳнатнинг барчага тушунарли томонлари бор, фақат айрим шахслар, тўғрироғи, ишлаб чиқаришнинг ўша тармоғини сув қилиб ичганларгина англаб оладиган хусусиятлари бор.

Меҳнат мавзуининг ёритилишида шуни алоҳида эътиборга олиш кераклигини айрим тажрибали ижодкорлар ҳам, адабиёт оламига кириш учун тиришаётган ёш қаламкашлар ҳам гоҳо унутиб қўяётирлар.

Жумладан, Юсуф Шомансурнинг «Қора марварид» романи шундай таассурот қолдиради.

Аввало шуки, роман автори анча қобилиятли қаламкаш, унинг кўпгина шеърлари, айниқса, назмий ҳажвияси муҳим аҳамият касб этади. «Қора марварид»да Ю. Шомансур ижодига хос айрим фазилатларни, чунончи, муҳаббатнинг инсонийлик, ҳаққонийлик туйғуларидан ташқарида бахт келтирмаслиги меҳнатнинг гоҳида қувонч-шодликлар билан гоҳида ғам-аламлар билан бир «сафда» бўлишига доир тўғри мулоҳазалар баён этилган.

Ҳа, муҳаббатнинг замон ҳақиқати, софлик ,вафодорликсиз якка ўзи ҳақиқий бахтга гаров бўлолмаслиги юзасидан билдирилган мулоҳазалар таҳсинга сазовордир. Афсуски, уларнинг аксарияти ўзининг бадиий ифодасини топмаган. Ахир, қаҳрамонлар ҳаётига доир воқеалар тадқиқ этилмасдан шунчаки баён этилганидан, ахборот шаклида айтиб берилганидан кейин бошқача ҳолатнинг юзага келиши мумкинми?!

Мана, бу кўчирмаларни романдаги энг характерли фикрларни баён этади деб айтиш мумкин: «Конда ҳа деганда иш юришавермади. Ойлик план эса тобора пастлаб борарди. Ишчиларнинг кайфияти унга сариғ ёмонлашиб, ҳар қадамда бир кўнгилсизликка дуч келаверди»... «Нефть чиқаришга тайёрлаб қўйилган қудуқлар ўн кундан ортиқ тўхтаб ётганлиги учун ҳамма кончилар, айниқса, Оқила билан Ҳикмат катта говга кўтардилар. Аммо Сатторов пинагини бузмади. Қувур кутди. Охири ёш геологлар — Оқила билан Ҳикмат трестга шикоят ёзишга мажбур бўлишди».

Борди-ю кўчирмалар қаердан олингани ошкор этилмаса, қайсидир конда иш юришаётгани ,кўнгилсизликлар кўпайиб кетгани, нефть қудуқларининг тўхтаб ётгани геологларнинг шикоят қилгани ҳақидаги хабар мавжудлигини кўрасиз, аммо бунинг бадиий асарга алоқаси борлиги айтилса ҳайратда қоласиз. Аммо ҳукм чиқаришда шошилмай, романни ўқишда давом этамиз: «Оқила бир куни парма чиларнинг ишини кузатди. Шабада эсиб турган бўлса ҳам, қуёш бееёв ўт пуркайди. Тупроққа тухум кўмса пишгудек. Вишка темирларига билмасдан қўл тегизсанг «жаз» этиб куйдиради. Ҳали кон шароитини тузукроқ ўрганмай туриб, бу ер жаннат экан, деб хулоса чиқарганига Оқила ич-ичидан хижолат тортди. Айниқса, вишканинг тепасига чиқиб ишлайдиган верховой ишчига қийин экан. Қоқ миясидан офтоб уриб турибди, ҳар битта қувур унинг қўлидан ўтади.

Пастдаги ишчиларга ҳам осон эмас. Ҳаммасидан ҳам парманинг тиши ейилиб кетавериши ёмон экан . Қарасанг, кўзни қамаштириб юборадиган олмос тишли долото икки-уч метр ер кавлангач, дока тишлатиб тортилган илоннинг оғзидек сип-силлиқ бўлиб қолади. Ана шу долотони алмаштириш учун бутун колоннани— қувурларнинг ҳаммасини ташқарига чиқариш, турбобурга янги тиш ўрнатиш керак. Шу зайлда тўққиз юз, минг метр, гоҳо минг беш юз, икки минг метр ковлаб тушиб нефтнинг кўзи очилади...»

Кўчирма чўзилиб кетгани учун ўқувчилардан узр. Аммо унда юракнинг ҳаяжонга солаётган кучли эҳтирос, туйғулар авжи, фикрлар тўлқини бўлмагани учун ким кечирим сўрайди? Лоқайд, бепарво айтилган сўзлар иборалардан иборат бўлган эпизодлар учун-чи?

Асарда асосан ташқаридан кузатилган воқеаларга ўрин берилганга ўхшайди. Ахир, кўпинча вишкаларнинг қандай кўриниши, уларнинг тепасида қандай ишлаши ҳақида ахборот беришдан нарига ўтилмайди-ку! Ҳа деб офтобнинг тепада тер тўкаётганларга халақит бериши ишчиларнинг қийинчилик билан ўз вазифаларини адо этиши қайд қилинаверишини қандай баҳолаш мумкин?

Нима учун шундай натижа вужудга келган?

Фаҳмлашимча, нефтчилар ҳаёти чуқур ўрганилмаган, ҳар тарафлама тадқиқ этилмаган. Қаҳрамонларнинг ишлаб чиқариш билан алоқаси, уларнинг меҳнати дард билан, юрак тугёни билан қаламга олинмаганга ўхшайди.

Тасаввур қилингки, «Қора марварид» деган номдаги асарни ўқий бошлайсиз, аммо асарнинг биринчи сатрларидан то охирги бетларигача унга нима учун шундай ном қўйилгани ечилмайди.

Асарнинг охирида бир-икки жумла билан қора марварид ҳақидаги фикр келтириладн.

Албатта, қора марваридннинг ҳа деб қайд этилишини талаб қилаётганимиз йўқ. Гап асарнинг «тан-жони»га, руҳига, қора марваридни англатадиган маъно сингдириб юборилмагани, ижтимоий ҳаётни ҳақиқат, коммунистик эътиқод асосида ўзгартиришга хизмат қиладиган ғоянинг ёритилмагани ҳақида кетаётир.

Лекин шуни айтиш учунгина «Қора марварид»га кўпроқ тўхталдик-ми? Йўқ, албатта. Гап шундаки, унда йўл қўйилган камчиликлар у ёки бу маънода, у ёки бу даражада Ж. Абдуллахоновнинг «Тўфон», Сайёрнинг «Хулкар», Ж. Шариповнинг «Хоразм» (иккинчиси китоб), Т. Тўланинг «Қари қиз» сингари асарларидаги қаҳрамонлар меҳнат фаолиятининг ёритилишида ҳам ўзга шаклда такрорланмоқда.

Нима учун шундай бўлаяпти?

Чуқурроқ ўйлаб қаралса, жумбоқнинг сири биринчи навбатда истеъдод, истеъдод эгасининг турмушни, ҳаётни қандай ўзлаштирганига бориб тақалади. Қолганлари, ҳатто маҳорат ҳам шундан келиб келади. Тўғрироғи, истеъдод ўз мазмуни, йўналиши, қадр-қимматига яраша маҳоратга эга бўлади. Ваҳоланки бизда айрим танқидчилар фалон ижодкор жуда катта қобилият, улкан истеъдод эгаси-ю, аммо маҳоратдан бенасиб қолган ,деб афсусланишади.

Йўқ, гоҳида истеъдодли ижодкорларда маҳорат етишмай қолишини инкор қилмоқчимасмиз. Гап чинакам истеъдодга эга бўлган қаламкашнинг „ўзидаги ниҳоятда кучли, ғоятда аҳамиятли масъулият туйғусига содиқ қолиши ва шунга кўра ҳаётий воқеаларни идрок этиши тўғрисида боратўир. Чунки виждонан софлик, ростгўйлик фақат ҳақиқий санъаткорнинг ҳақиқий фазилати ҳисобланади ва бу фазилатга хилоф қилса, истеъдод ҳақ йўлига, ҳалолликка хизмат қилмайди, пировардида инқирозга юз тутади.

Абдулла Орипов шеърларини ўқиганингизда, бунинг қай даражада тўғрилигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Ахир. «бир неъмат бўлсин деб қалбда қонни ҳам анор донасига жойлаган жонсан, агар қўйиб берса, кенг жаҳонни ҳам зарга ўрагувчи Ўзбекистонсан!» каби янги кашф этилган фикрлар билан «Менинг она халқим, эй. қадим, ҳалол, ризқи она ерга сепилган халқим, ушоқ чигитни ҳам этмай деб увол, ҳар қарич тупроққа эгилган халқим» сингари қалб нидоси унинг ўзига, Абдулла Ориповнинг ўзига, унинг овозига, унинг юрагига хос бўлиб, заҳматкаш ўзбекнинг жонли, ҳаётий қиёфасини гавдалантирмайдими?!

Шуни қайд этиш керакки, шоир меҳнат жараёнидан лаҳзалар чизмайди, деҳқонларнинг қандай қилиб ишлаётганини батафсил ҳикоя қилмайди, аммо юқорида келтирилгандай рамзий ифодалар, аломат мисралар орқали меҳнат «жанги»нинг қаҳрамонларига тасанно айтади, уларнинг кураш-интилишларига ҳурмат ва муҳаббат уйғотади, сизни ҳам беихтиёр уларга ҳамдард, ҳамфикр қилиб қўяди. Пировардида Абдулла Орипов «оқ олтин» ижодкорларининг меҳнатини кузатдими, ўргандими, биладими ёки билмайдими деган муаммоларга ўрин қолмайди.

Шуниси диққатга сазоворки, шоир ҳар қандай шароитда, ҳар қандай меҳнатнинг оғир бўлишини рўй-рост айтади. лекин бу меҳнатнинг шон-шараф манбаи, бахт-саодат манбаи эканлигини инкор қилмайди.

Ҳа, социалистик жамиятда меҳнат қилиш эркинлиги аллақачонларйқ ҳукмрон ҳолатга айланган, лекин маънавий ва моддий бойликларни ишлаб чиқариш жараёни ўз-ўзидан осонлашиб кетадими? Йўқ, албатта. Чунки жамият меҳнат қилишга маънавий асос яратиб беради, уни амалга оширш, бирор ишни бажариш эса жисмоний куч-қудрат, ақл фаолиятини талаб қилади. Бу талабни ҳеч қандай интилиш-изланишларсиз, курашларсиз рўёбга чиқариш асло мумкин эмас! Бинобарин қаламкашларимиз ана шуни эътиборга олиб. меҳнат мавзуини ҳар томонлама чуқур ва ҳаққоний ёритишлари керак.

Ҳозирги адабий ҳаракат, хусусан ёш шоир ва насрчиларимизнинг изланишлари юксак талабларни қондиришга қаратилганки, бу бизга умид ва ишонч бахш этади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—19|IX да **Рус кишилари**, 20|IX да **Русалка** (кундуз), **Корсар** (кечқуруи).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—19|IX да **Парвона**, 20|IX да **Мария Стюарт** (кундузи) **Улимдан кучли** (кечқуруи).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—**Совет Иттифоқи ва Болгария цирки усталарининг томошалари.** Уюштирилган АРСЛОНЛАРНИНГ КАТТА АТТРАКЦИОНИ. Уюштувчи—**РСФСР да хизмат кўрсатган артист** ВЛАДИМИР БОРИСОВ (Томошалар кеч соат 8 да бошланади). Шанба кунлари; кундуз соат 3, кеч 8 да; якшанба кунлари; кундуз соат 12, 3 ва 8 да томошалар кўрсатилади).

Кино

19 СЕНТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Резидентнинг тақдири—«СПУТНИК», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кечқуруи), САНЪАТ САРОЙИ (кеч 9 да).

Виннетту — апачлар йўлбошчиси — «ЎЗБЕКИСТОН, «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кечқуруи).

Парад-алле —«ЧАЙКА» (кечқуруи).

Гайдуклар қасоси—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кечқуруи).

Сайҳа—НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кечқуруи).

Резидентнинг хатоси—«КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кеч 7 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8 ва 9.40 минутда бошланади)

Резидентнинг хатоси —ТЕЛЬМАН номли.

Резидентнинг тақдири—«ФЕСТИВАЛЬ».

Отамнинг сафари—«ХИВА».

20 СЕНТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Резидентнинг тақдири—«СПУТНИК», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ва кеч 9 да).

Виннету—апачлар йўлбошчиси — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Парад-алле —«ЧАЙКА» (кечқуруи).

Гайдуклар қасоси—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кечқуруи).

Сайҳа—НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кечқуруи).

Резидентнинг хатоси —«КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз 2, кеч 7 да).

Асунта, бехато от—САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруи).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8 ва 9.40 минутда бошланади)

Резидентнинг хатоси —ТЕЛЬМАН номли.

Резидентнинг тақдири—«ФЕСТИВАЛЬ».

Отамнинг сафари —«ХИВА»

29 сентябрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фандар академияси Тарих ва археология институтининг илмий советида тарих фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун **Х. Сулайманов:** «Етти йилликда Ўзбекистон колхозчи — деҳқонлари моддий фаровонлигининг юксалиши (1959—1965 йиллар)» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй) да танишиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ ХЎЖАЛИК БОШҚАРМАСИГА

бўёқчилар, суводчилар ва гишт терувчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси 26 уй.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ» МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

28, 29, 30 СЕНТЯБРДА

ҒОЛИБ ПАХТАКОРЛАРГА БАҒИШЛАНГАН

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

«ТАБАССУМ ОҚШОМИ»

ҚАТНАШАДИЛАР

Шоирлар: ҲАМИД ҒУЛОМ, РАМЗ БОБОЖОН, МИРМУҲСИН, ЭРКИН ВОҲИДОВ, Эътибор ОХУНОВА, Гулчеҳра ЖУРАЕВА, Абдулла ОРИПОВ;

СССР халқ артисти, Давлат ва Ҳамза мукофотлари лауреати

ГАЛИЯ ИЗМАЙЛОВА

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Қундуз МИРКАРИМОВА, Соиб ХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Олмохон ҲАЙИТОВА, Муҳаббат ШАМАЕВА, Таваккал ҚОДИРОВ, Бахтиёр ИХТИЁРОВ, Эргаш КАРИМОВ;

Солистлар: Алижон ҲАСАНОВ, Хабиба ОХУНОВА, Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Гулчеҳра Исмонлова, Садриддин ЗИЁВУДДИНОВ, Илёс МАЛЛАЕВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

ПРОГРАММАНИ — Соиб ХУЖАЕВ ВА ҲУСАН Шариповлар олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

БИЛЕТЛАР-Марказий «Юбилей» спорт зали ва Я. М. Свердлов номли концерт зали кассаларида кундуз соат 2 дан, район касса-ларида эрталаб соат 11 дан сотилади.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

25, 26, 27 СЕНТЯБРЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА

ИККИ МАРТА ҚИЗИЛБАЙРОҚЛИ ВАҚИЗИЛ ЮЛДУЗ ОРДЕНЛИ А. В. АЛЕКСАНДРОВ

НОМИДАГИ

СОВЕТ АРМИЯСИ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри — СССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати

Борис АЛЕКСАНДРОВ

Олдиндан билет сотиш кассаси ҳар куни эрталаб соат 10 дан кундуз 7 гача очиқ.

Концерт тугашига ҳамма маршрутдаги шаҳар транспорти берилади.

Справка учун телефонлар: 44-61-54, 44-50-12.

30 сентябрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника ва математика фанлари бўлимларининг физика бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Обсерватория кўчаси, 85-уй) да техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун **Р. Х. Каримов:** «Чохральский йўли билан олинган кремний монокристалларида бегона заррачаларнинг тарқалишини текшириш» деган темада;

физика-математика фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

М. Х. Эстерлис: «Вакуумда мустаҳкам ёйли разряд билан қийин эрийдиган электродларнинг эрозияланиш характерини ўрганиш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй)да танишиш мумкин.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1971 ЙИЛ УЧУН ҚУЙИДАГИ ГАЗЕТАЛАРГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»,
«ПРАВДА ВОСТОКА»,
«ҲАҚИҚАТИ ЎЗБЕКИСТОН»,
«ЛЕНИН БАЙРОҒИ»,
«ЕШ ЛЕНИНЧИ»,
«КОМСОМОЛЕЦ УЗБЕКИСТАНА»,
«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ»,
«ЎҚИТУВЧИЛАР ГАЗЕТАСИ»,
«ЛЕНИН ЎҚУНИ»,
«ПИОНЕР ВОСТОКА»,
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»,
«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»,
«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»,
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»,
«ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ»,
«ГОВОРИТ ТАШКЕНТ»,
«НЕОС ДРОМОС».

Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети нашриёти.

ТЕЛЕВИЗОР

19 СЕНТЯБРЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

16.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида: 17.00** «Ахборот» информацион программаси. **17.10** Ҳужжатли фильм. **Узбек тилида 17.20** «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». **18.20** «Мўъжизалар маскани». Цирк томошалари. **19.00** «Қалбимда қўшиқлар кўп». Концерт. **19.40** «Ахборот» информацион программаси. **19.55** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 «Ярим аср йилномаси». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильмнинг 1952 йил ҳақидаги серияси. **21.00** Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ДИНАМО» (Москва) — «ДИНАМО» (Тбилиси). Ўйиннинг иккинчи тайми. **21.45** К. Гольдони. «Икки бойга бир малай» М. Горький номидаги Краснодар драма театрининг спектакли. **23.35** «Вақт» информацион программаси. **24.00** Шайбали хоккей бўйича Европа чемпионлари кубоги учун. Ярим финал ўйинлари «СПАРТАК» (Москва) — «ДУКЛА» (Иглава, ЧССР). Ўйиннинг иккинчи даври. **00.45** Эфирда «Молодость». **01.45** Концерт. **02.15** Хотин-қизлар ўртасида баскетбол бўйича Европа биринчилиги финали ўйинлари. Голландиядан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида янгиликлар, охирида кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КУРСАТАДИ

16.15 «Трембита». Бадиий фильм. **17.55** Янгиликлар. **18.00** Эфирда «Молодость». **19.00** Ҳарбий оркестрларнинг кўрик-конкурсининг учинчи тури.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида: 20.00 Футбол бўйича СССР биринчилиги. «Политотдел» (Тошкент области)—«Металлург» (Чимкент)Ўйинининг иккинчи тайми. **20.45** «Интизор дил тароналари». Лирик концерт. **21.25** «Вена почта марказн». Бадиий фильм.

20 СЕНТЯБРЬ

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

9.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 10.00 Болалар учун телевизион театр. **10.40** «Енаётган қоялар хазинаси». Бадиий фильм.

Узбек тилида: 12.00 «Бойчечак программаси. **12.30** «Трясогузка армияси». Бадиий фильм. **13.55** Болалар учун концерт. **16.55** Кўрсатувлар программаси. **17.00** «Яшил бойлигимиз». Ўрмон ходимлари кунига бағишланган кўрсатув. **17.30** Ўрмон ходимлари кунига бағишланган концерт.

Рус тилида: 18.00 «Ахборот» информацион программаси. **18.30** «Инсон тақдири». Бадиий фильм. **20.10** Кўрсатувлар программаси.

Узбек тилида 20.20 «ЕРҚИН ҲАЁТ» программаси. **21.40** «Ахборот» информацион программаси. **22.10** КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА. «Пахта теримни илғорларига тенглашинг». **22.30** ПАХТА ТЕРИМИ ИЛҒОРЛАРИ УЧУН КОНЦЕРТ.

МОСКВА КУРСАТАДИ

23.30 Футбол бўйича СССР биринчилиги. ЦСКА—СКА. (Ростов). Ўйининг иккинчи ярми. **00.15** Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитети коллективи подполковник Н. И. Эшонқуловга онаси

Баҳриниса ЭШОНҚУЛОВАНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

тошкент оқшоми 4 бет. 19 СЕНТЯБРЬ 1970 й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, халқ таълими ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95 эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579. НАШР 3110 Р—14659